ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш.С.АЛИМОВ

В данной статье рассматриваются вопросы формирования профессиональной компетенции преподавателей иностранных языков. Отмечается необходимость компетентивного подхода в подготовке преподавательских кадров, и выделяются три основных компонента в профессиональной компетенции преподавателей иностранных языков: лингвистическая, межкультурная и коммуникативная компетенции.

This article is devoted to study the problems of forming professional competence of the foreign language teachers. And three main components of professional competence of the foreign language teachers as linguistic, intercultural and communicative competence are stressed out.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида кузатилаётган глобаллашув ва интеграллашув жараёнлари таълим соҳасига ҳам таъсир қилмоқда ва унинг мақсади, мазмуни ва стратегиялари билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишини талаб этмоқда. Бугунги кунда меҳнат бозоридаги мутахассиснинг касбий тайёргарлигига қўйилаётган талабларга унинг хорижий тилларни билиш даражаси ва компьютер саводхонлигини ҳам киритиш мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим мамлакатимизда юқори малакали, рақобатбардош, замон талабига жавоб берадиган, республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётини таъминлашга қодир бўлган кадрлар тайёрлашга маъсулдир.

Ҳозирги кунда хорижий тиллар нафақат махсус факультетларда, балки барча нофилологик факультетларда ҳам кенг ўқитилмоқда. Уларнинг мутахассис касбий тайёргарлигини шакллантириш ва ўстиришдаги ролини алоҳида таъкидлаш мумкин, чунки хорижий тиллар замонавий мутахассисга хорижий тил манбаларидан ўз соҳасига оид ахборот олиш, ўз билим доирасини кенгайтириб бориш ҳамда хорижлик касбдоши билан мулоқот қилишдаги энг муҳим воситадир.

Шу сабабдан ҳам ҳозирда ҳар бир мутахассисдан нафақат бир, балки бир неча хорижий тилларни билиш, хорижий тилларни мулоқот воситаси сифатидагина ўрганиб қолмасдан, мулоқот жараёнида зарур бўлган маданиятлараро ўзига хосликни ҳам билишини талаб этмоқда. Бундай ўзига хосликка хорижий мамлакатлардаги қонун-қоидалар, тили ўрганилаётган ҳалқнинг урф-одатлари, анъаналари ва менталитети каби омилларни киритиш мумкин. Булар мутахассис хориж сафарида бўлганида, хорижлик ҳамкасблар билан мулоқотда ҳамда турли ҳалқаро анжуманларда иштирок этганида керак бўлади.

Шунга кўра бугунги кунда мутахассиснинг замон талабига жавоб бера оладиган даражадаги касбий тайёргарлигини белгиловчи омиллардан бири унинг ўз касбий соҳаси бўйича маълум даражадаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлибгина қолмасдан маданиятлараро мулоқотда зарур бўлган маданиятлараро компетенцияга эга бўлишлиги ҳамдир. Бу эса ўз навбатида таълимга ҳам компетентив ёндашувнинг киритилиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирда кенг қўлланилаётган “компетенция” ва “компетентивлик” тушунчалари аслида лотин тилидаги “competentia” сўзидан келиб чиққан бўлиб, у шахснинг маълум соҳадаги билимдонлиги ва яхши хабардорлигини, яъни шу соҳа бўйича унинг ваколат доирасини ифодалайди. Демак, компетенцияга эга бўлишни шахснинг маълум соҳадаги билими, тажрибаси ва яхши хабардорлигидан келиб чиқиб шу соҳа юзасидаги масалалар хусусида ҳукм чиқариш ҳуқуқи ва ваколатига эга бўлиш деб тушуниш мумкин.

Н.Хомский тил ўқитиш соҳасида компетенция сўзловчи томонидан тингловчининг тилини билиш даражаси ва унинг маълум нутқий вазиятларга мос тўғри қўллай билиш маҳорати эканлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда хорижий тил ўқитиш соҳасидаги компетенцияни шахснинг таълим жараёнида шакллантирилган билим, кўникма ва малакалари йиғиндиси сифатида, компетентивликни эса шу билим кўникма ва малакалар асосида нутқий фаолият билан боғлиқ нутқий вазиятлардаги муаммоларни ҳал қила олиш қобиляти ва ваколати деб тушуниш мумкин.

Хорижий тил ўқитувчисининг касбий лаёқатини шакллантиришда компетентив ёндашувни қўллаш таълимдаги билим олишга йўналтирилган бир томонлама қарашдан билимни ишлата билишга қара-

тилган таълимга ўтишга ёрдам беради. Шунингдек, касбий фаолият билан боғлиқ маҳоратни шакллантиришда ҳаётий реал вазиятлардан фойдаланиш шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг касбий жиҳатдан компетентивлигини оширишга ёрдам беради.

Хорижий тил ўқитувчисининг касбий компетенциясига унинг ўз касби бўйича тайёргарлиги, ўқув жараёнидан келиб чиқадиган турли муаммоларни еча билиш лаёқати, тил ўқитишнинг замонавий фаоллаштириш усулларидан, ўқитиш технологияларидан хабардор бўлиши ва уларни хорижий тил ўқитиш амалиётида қўллай олиши каби қобилятларини киритиш мумкин.

Хорижий тил ўқитувчиси ўрганилаётган хорижий тилга оид билимларга, нутқий кўникма ва малакалаларга эга бўлиш билан бир қаторда тили ўрганилаётган ҳалқнинг урф-одатлари, одоб-аҳлоқ нормалари ва турмуш тарзидан ҳам хабардор бўлиши бугунги кунда замонавий мутахассисга қўйилаётган талаблардан ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий тил ўқитувчисида хорижий тилдаги мулоқот компетенцияси ва маданиятлараро компетенцияни ҳам шакллантириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Сўнгги йилларда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳалқаро маданий ва иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиши нутқий мулоқотдаги компетентивлик билангина чегараланмасдан, балки мулоқот жараёнида кўзланган натижага эришиш мақсадида суҳбатдошга ўз таъсирини ўтказа олиш учун маданиятлараро компетенциядан ҳам нутқий вазиятга мос фойдалана олиш малакаларини шакллантиришни зарур қилиб қўймоқда. Зеро иқтисодий битимлар тузишда ва дипломатик алоқаларнинг самарадорлигини оширишда ана шундай компетентивлик ғоят катта аҳамият касб этади. Демак, коммуникатив ва маданиятлараро компетенция ҳалқаро ҳамкорлик жараёнида кўзланган мақсадга эришиш йўлидаги восита бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин.

Хорижий тил ўқитувчисининг турли тизимдаги ўқув муассасаларида таълим бериши нуқтаи назаридан қаралса, унинг касбий компетенциясига хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи лингвистик компетенция, хорижий тилдаги коммуникацияни амалга оширишга қаратилган коммуникатив компетенция, мулоқотдан кўзланган мақсад ва натижага эришишга таъсир қилувчи маданиятлараро компетенцияни киритиш мумкин.



Хулоса қилиб айтганда, хорижий тил ўқитувчисининг юқорида қайд этилган касбий компетенцияга эга бўлиши ўқитиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда малакали мутахассис тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

1. Азизходжаева А.А. Педогогические технологии и педагогическое мастерство.- Т., 2005
2. Жалолов Ж. Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенциясини шакллантириш – устувор таълимий муаммо сифатида // Бўлажак чет тил ўқитувчисини касбий йўналтириш технологияси: Илмий амалий конференция материаллари.- Т.: ТДПУ, 2009
3. Хошимова Д.У., МусаеваС.Х. Использование программированных технологий при обучении языкам // Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари XVIII сон.- Т., 2009

Андижон давлат университети,
2012 йил 10 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)